

## АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК КАЙФИЯТ ВА ТАБИАТ ТАСВИРИ УЙЎУНЛИГИ

**Азамат Зарипов**

*Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети илмий тадқиқотчиси,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

### ARTICLE INFO.

**Kalit soʻzlar:**

Тасвири, Табиат, Лирик.

### Annotatsiya

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавиятнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини кадрлаш ва муносиб рағбатлантириш эътибор ошди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Табиат – инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлган ва шундай бўлиб қолади. Дастлаб атроф-муҳит ҳақидаги қарашлар табиатни ўрганишдан, ўзлаштиришдан бошланган. Биз кейинги йиллар ўзбек лирикасида табиат ва инсон руҳияти масаласини ўрганар эканмиз, табиат-жамият-инсон психологиясининг боғланган шакллари, кўринишлари ва воситаларини тадқиқ этишга ҳаракат қилаёلمиз. Ҳар бир ижодкор ўз бадиий нияти, нуқтаи-назари, онги, дунёқараши тақозосига кўра табиат хоссалари ва ҳодисаларига мурожаат этади. Ана шу эстетик мақсаднинг турфалиги ижодкор авлодлар бадиий талқинидаги хилма-хилликларни, фарқли жиҳатларни юзага келтиради. Кейинги йиллар ўзбек пейзаж лирикасида табиат ранглари, оҳанглари, манзаралари зиммасига юкланаётган маънолар салмоғи ўзининг ижтимоий-фалсафий мазмуни билан алоҳида бир саҳифани ташкил этади, асло муболаға бўлмайди.

Табиат хоссалари ва ҳодисалари орқали инсонни ва жамиятни бадиий-эстетик тадқиқ этиш шеъриятимиз тараққиётида етакчи тенденцияларидан бирига айланди. Пейзаж лирикаси, бу – табиат ва инсон муносабатларининг фақат зоҳирий кўринишлари, яъни кечинмалар шаклидаги ифодаси эмас, асло. Табиат тасвири асосида инсон руҳияти манзараларини англаш ва англантириш, жамият психологиясини тушуниш ҳамда тушунтириш бош масалага айланади. Маънавий-ахлоқий, ижтимоий-фалсафий, маърифий мазмун ва хусусиятларига кўра пейзаж лирикаси авлодлар онгига, унинг дунёқарашиш, бадиий-эстетик тафаккурига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъриятидаги кечинмаларни суратлантириш асносида шоир ҳис-туйғуларининг поэтик фикрга айланиш ҳолатлари, уларни юзага чиқаришда қўлланилган воситалар ва ушбу жараёндаги шоир маҳорати тўғрисида сўз юритишга жазм қилдик. Бу нарса, пейзаж лирикасининг табиати тўғрисида муайян тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Масалан, улуғ шоирнинг “Тонг” шеърини мутолаа қилар эканмиз...

**Уйғон, қуёш ўйнар юзингда,**

**Бугунги тонг шунчалар гўзал.**

**Ловуллайди шафақлар ял-ял,  
Нечун хаёл қотмиш кўзингда.  
Кипригингда ёш олмос-олмос,  
Нечун чўмдинг уйқуга қайта?**

- олтин ёшлигимни кўрдим мен,
- Қайда?
- Тушимда...

Шеърни ўқир эканмиз, унда лирик қаҳрамоннинг мурожаати худди яқин сафдоши, ўртоғи, дардкаши қаршисида тургандек тасаввур уйғотади. Бу дардкаш, албатта, табиатнинг ажралмас қисми бўлган куёш образида мужассам топган. Табиатнинг жонли тасвирини кузатар эканмиз, ундаги самимият қалбимизга ўрнашади. Натижада борлиқнинг илиқ ҳарорати ила тонгни қарши оламиз. Бу оригинал ёндашув қалбу шууримизга ўтиб ўз тафти ила кўнгилимизга кўчади. Ушбу шеърнинг “*олтин ёшлигимни кўрдим мен*” мисралари орқали болалик даврни соғиниш ҳиссини туямиз. Лирик қаҳрамон ва тонгнинг суҳбати бизга берилаётган тортиқ кабидир. Бу ажиб тароват, илиқ ҳарорат ҳар бир кўнгилини тонгни қарши олишга ундайди.

Абдулла Орипов яратган кўплаб шеърларида ота маконини, қадрдон қишлоғини соғиниш, инсонийликка етакловчи эзгу қадриятлар ўз ифодасини топган.

**Парчагина булут,**

**Чексиз осмон,**

**Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.**

**Барча ташвишларни унутиб, шодон,**

**Қайтгим келаётир қошинга буткул.**

Ушбу оташин мисраларни ўқир эканмиз, қалб ҳароратидаги соғинч ҳиссиёти ўтли нур бўлиб инади, қалб қайноқларига тўлаётган ҳароратнинг туйғуси барча жараёнларни бошқараётганлигига гувоҳ бўламиз. Инсон ҳаётида яхшию ёмонликларни, турмуш зарбаларига чидашшам бериши айни ҳақиқат.

**Қисмат майин ичдим – аччиқ ва таҳир,**

**Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.**

**Дунёга одамзод яшамас, ахир,**

**Фақат продасин синамоқ учун.**

Абдулла Орипов ҳис-ҳаяжонга тўлиқ шеърлари орқали шодлигу қайғуни табиат тасвири орқали беришга интилган, ўз қалбини табиат қиёфасига менгзаган. Унинг қалби табиат учун кенг маконга айланган. Шу боис шодликдан яралган кўнгили даласига баҳор ўз қувончлари билан ташриф буюради. Шоир нафақат қалбини табиат кучоғига айлантиради, балки табиатнинг турфа жилоларини бутун гўзаллиги билан беришга интилади. Ушбу фикримизга шоирнинг “Баҳор шамоли” шеъри яққол мисол бўла олади:

**Баҳор келаётир,**

**Тоза, мусаффо.**

**Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.**

**Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,**

**Туманли шахр ичра ётмоқлик малол.**

Шоир яратган ҳар бир мисра ўта самимий. Унда кўнгил рози ўз ифодасини топган. Бизнингча, Абдулла Орипов бор туйғуни, ҳиссиётини қай ҳолатда бўлса шундай қоғозга кўчиради. Шеърлари шундай яралади. Агар қайта ишланса, бу самимият йўқолади, қалб ҳарорати, унинг тафти ўзгаради гўё.

**Қоялар кўксида шодмон, беқайғу,**

**Оний умри билан солланар чечак.**

**Баҳор бу – энг тоза шаббодадир бу,**

**Баҳор бу – энг тоза шамолдир демак.**

Юқоридаги мисраларда ҳам худди шундай ҳиссиёт қалбни чулғаб олади. Дарҳақиқат, баҳор — яшариш фасли. Шоир бу яшаришда кунларнинг умри узайганлигида кўра олади.

**Кенгликлар бағрига ураман ўзни,**

**Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.**

**Гўдак нафасидек юпатар юзни**

**Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.**

Шоир баҳорни мана шу қиёфада севади ва кўра олади. Мана шу қиёфада ўз ўқувчисига тақдим этади. Зеро бу қиёфа ўта содда бўлса-да, ўта самимийдир. Бу самимийлик ўта сокин оҳангларда ифодаланиши ҳам ҳайратни келтириб чиқаради.

Биз табиат поэтикасида лирик қаҳрамон масаласига тўхталар эканмиз, унинг асосий тасвир объекти бўлган атроф-муҳит ва табиатнинг субъектда қай даражада намоён бўлиши ва қандай принциплар асосида ифодаланишига эътиборни қаратамиз. Ижодкорнинг табиатга мурожаати жараёнда борликни бадий идрок этиш ва уни бадий тадқиқ этиш ҳолати кўзга ташланади. Инсоният тамаддунидан бери у ўзини табиатнинг бир бўлаги деб билган, унга сиғинган (мифологик қарашлар – қуёш худоси, ой маъбуди, денгиз худоси ва х.к.) бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, инсон ўзини унинг узвий бир қисми, деб эмас, балки унинг эгаси сифатида ҳам ҳис қила бошлаганини, бу эса инсон ва табиат ўртасидаги кескинлашувни, экологик мувозанатнинг бузрилишига олиб келганлигини кўрсатади. 80-йилларга келиб пейзаж шеърятда бу масалага муносабат билдириш кучайди. Бу ҳолат даврнинг фан ва техника тараққиёти билан ҳам боғлиқдир. Шеърят ушбу даврга келиб мазкур хусусиятларга кўра публицистик оҳанг касб эта бошлаганини таъкидлаш зарур. Яъни жамият ҳаётининг муҳим муаммолари хусусида бонг ура бошлади. Агар шоир табиатни эмоционал (ҳиссий) тарзда англаса ва ўша англамоқни поэтик идрок билан тасвирлай олсагина ўз мақсадига эриша олади. Бу борада ўзбек шеърятини авлодларининг етакчиларидан Абдулла Орипов таъкидлаш зарур.

Рус классик адабиётида психологик таҳлилнинг (бадий асарнинг барча тур ва жанрларида) учта асосий принципи кўзга ташланади. Рус адабиётшунос олими, академик М.Храпченко ҳар бир давр учун умумий бўлган психологик тасвирнинг динамик, типологик, аналитик принципларини алоҳида кўрсатиб ўтади. Ўзбек адабиётшуносларидан Б.Алиев шеърятда психологик тасвир кўринишларини шеърининг уч шаклига кўра текширишга ҳаракат қилган. Булар соф лирик, фалсафий-психологик ва воқеабанд (сюжетли) шеърлардир. Шунингдек, Ж.Жумабоева ҳам XX аср ўзбек шеърятини психологик тасвир кўринишларини давр воқеликлари билан боғлаб таҳлил қилиб ўтган.

Н.Г.Чернишевскийнинг психологик таҳлилни ”ижодий талантга куч бағишлайдиган энг муҳим фазилатлардан бири”, эканлигини айтиб ўтса, профессор У.Норматов ”психологик тасвир адабиёт учун қанчалик муҳим бўлмасин, бирдан-бир мақсад эмас”, деб ҳисоблайди. Шунга кўра

психологик тасвир шеър таъсирчанлиги ва эмоционаллигини ошириши табиийдир.

А.Орипов шеърятда руҳият тасвири фақат руҳий ҳолатлар билангина чегараланмайди. Бу ҳодиса шоир ижодида ўзининг турфа хил хусусиятларини, ранг-баранг қирраларини намоён бўлади. Бу хил шеърларда асосан лирик қаҳрамон курашчан, нуқсон ва камчилкларга нисбатан исёнкор, дардкаш ва айни пайтда некбин туйғуларга ошно замондошимиз сифатида гавдаланади.

Шоирнинг "Альбомга", "Юзма-юз", "Баҳор", "Денгизга", "Сароб", "Онажон", "Шоир", "Ўзбекистон", "Кетганлар ёди бу", "Момо офтоб", "Маломат тошлари", "Ишонч кўприклари" каби шеърларида лирик қаҳрамон руҳий оламини тасвирлашда реалистик йўл тутилади ва шоир шахсиятидан ажратиб бўлмайдиган лирик қаҳрамоннинг образ-портрети яратилади. Бу асарларнинг ҳар бири программ ёки автобиографик характердаги шеърлар бўлиб, лирик қаҳрамон характерининг турли қирраларини акс эттиради. Бундай шеърларда лирик кечинма ҳам, эпик унсурлар ҳам, лирик-публисистик усул ҳам бирдай аҳамиятга эга. Бу усулларнинг ҳар бири шеър мавзуси, шоирнинг мақсадига кўра баъзи бир алоҳида шеърларда етакчилик қилиши мумкин. Лекин пировард-натижада бизнинг кўзолдимизда исёнкор, ҳаёт қозонида қайнаётган, камчиликларга биринчи навбатда кишилар руҳиятидаги ноқисликларга нисбатан мурасасиз, "бировлардан туйғу олмаган", "овозини ўзгага беришни истамайдиган" шоир шахси намоён бўлади. Биз бу шеърларнинг ҳар бирида шоир лирик қаҳрамони аҳвол-руҳиятини, унинг ботинидаги ички кечинмаларни ва кўпроқ мавжуд шароитдан қониқмаслик, норозилик туйғуларини сезиб тураемиз. Зотан, А.Орипов ўзбек шеърятига "урра" ва "яшасин" чилиқдан фарқли ўларок, ижтимоий норозилик мотивларини олиб кирган шоирдир. Биз шоир-лирик қаҳрамони мана шу хислатлари учун севаемиз, у - мана шу норозилиги билан бизга яқин, дардкаш.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Жабборов Нурбой. Замон, мезон, шеърят. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
2. Жўрақулов Узок. Биографик талқин: тарихи, табиати, методологияси. //ЎЗМУ хабарлари журнали, 2006.
3. Комилов Нажмиддин. Тафаккур қарвонлари. – Тошкент: Sharq, 2011.
4. Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Тошкент: Sharq, 2011.
5. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
6. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. Саккиз жилдлик. 7-жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013.
7. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. 8-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016.
8. Саидов Акмал, Абдурахмонов Қаландар, Ғулом Мирзо. Ўзбекистон – дилбар ватаним. – Тошкент: Akademnashr, 2021.
9. Эккерман П.Л. Разговоры с Гёте в последние годы жизни, М.- Л. «Академия», 1934, стр 318
10. Эркаев Абдурахим. Абдулла Орипов даҳоси. –Тошкент: Олтин нашр, 2021.
11. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. – Тошкент: Маънавият, 2011.
12. "Абдулла Орипов замондошлар хотирасида". – Тошкент: «Адабиёт» нашриётида чоп этилган. Масъул муҳаррир Фароғат Худойкулова, тўпловчилар – Ҳанифа Мустафо кизи, Рухсора Орипова.